

**ХАЛИФАЛИК
ДАВЛАТИ ДУСТУРИ
ЛОЙИҲАСИ**

**ҲИЗБУТ ТАҲРИР
НАШРЛАРИДАН**

«Халифалик давлати дустури лойиҳаси».
Охирги тузатилган нусхадан таржима қилинди.
Бу тўлдирилган мўътамад нусхадир.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ДУСТУРИ ЛОЙИҲАСИ

Бу Халифалик давлати дустури лойиҳаси бўлиб, биз уни - Халифалик давлатини қайта тиклаш ва Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритишни ҳаётга қайтариш учун ҳаракат қилаётган - мусулмонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз. Тоинки улар Исломиё давлат воқелигини, шаклини, низомларини ҳамда бу давлат татбиқ этадиган Ислом низомлари ва ҳукмларини аниқ-тиниқ тасаввур қила олсинлар.

Бу дустур Исломиё ақидадан балқиб чиққан ва далилнинг қувватига қараб шаръий ҳукмлардан олинган Исломиё дустурдир.

Уни олишда Аллоҳнинг Китобига, Расулининг суннатига ва шу иккиси асосидаги саҳобалар ижмоси ва қиёсга таянилди.

У соф Исломиё дустур бўлиб, унда ғайриисломиё ҳеч нарса йўқ. У бир муайян мамлакат ёки бир муайян юртга хослаб ишлаб чиқилган дустур эмас. Аксинча у нафақат Исломиё оламдаги, балки Халифалик давлати Исломни нур ва ҳидоят рисолати сифатида бутун оламга кўтариб чиқади ва олам ишларини ғамхўрлик билан бошқаришга, оламни ўз бағрига олишга ва унда Ислом ҳукмларини татбиқ этишга ҳаракат қилади, деган эътиборда бутун оламдаги Халифалик давлати учун ишлаб чиқилган дустурдир.

Ҳизбут Таҳрир бу лойиҳани мусулмонларга тақдим этар экан, Аллоҳдан уларни азизу мукаррам қилишини ва мўминларнинг бу лойиҳа Халифалик давлатининг дустури қилиб қўйилиши учун тўғри йўлдаги Халифаликни тиклаш ва Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритишни ҳаёт майдонида қайтариш борасидаги саъйи ҳаракатлари самарси ўлароқ уларни тезроқ ғояга етказишини сўраб қолади. Бу Аллоҳга ҳечам қийин эмас.

Умумий ҳукмлар

- 1-модда** - Ислом ақидаси давлатнинг асосидир, яъни унинг таркибида, жиҳози, муҳосаба қилиниши ёки унга тааллуқли барча ишларда бирор нарсанинг вужудга келиши учун фақат Ислом ақидаси асос қилинади. Бир вақтнинг ўзида Ислом ақидаси дустур ва шаръий қонуларнинг ҳам асосидир, яъни бу иккисининг ҳар қайсисига алоқадор бирор нарсанинг мавжуд бўлишига фақат Ислом ақидасидан келиб чиқсагина рухсат берилади.
- 2-модда** - Ислом ҳукмлари татбиқ қилинадиган ва хавфсизлиги Ислом билан бўлган юрт Ислом диёри (Дорул-Ислом)дир. Куфр тузумлари татбиқ қилинадиган ёки хавфсизлиги Ислом билан бўлмаган юрт куфр диёри (дорул-куфр)дир.
- 3-модда** - Халифа муайян шаръий ҳукмларни табанний қилиб, уларни дустур ва қонунлар сифатида йўлга қўяди. Агар халифа бирор шаръий ҳукмни жорий этса, фақат шу ҳукм амал қилиниши вожиб бўлган шаръий ҳукмга айланади. Шу вақтда бу ҳукм ҳар бир фуқаро учун зоҳирда ҳам, ботинда ҳам итоат қилиш вожиб бўлган амалдаги қонун бўлиб қолади.
- 4-модда** - Халифа закот ва жиҳоддан бошқа ибодатларда бирор муайян шаръий ҳукмни табанний қилмайди. Ислом ақидасига тааллуқли фикрларда ҳам ўзича ҳеч нарсани жорий этмайди.
- 5-модда** - Исломий тобеиятга эга бўлган (яъни Исломий Давлат фуқароси бўлган) барча одамлар шаръий ҳуқуқ ва бўрчлардан баҳраманд бўладилар.
- 6-модда** - Давлат фуқаролар ўртасида ҳокимият, қазо, иш бошқариш ёки шу каби соҳаларда айирмачиликка йўл қўйиши жоиз эмас. Балки ирқи, дини, ранги ва миллатидан қатъий назар барчага бир хил назар билан қарамоғи вожибдир.
- 7-модда** - Давлат - хоҳ мусулмон, хоҳ ғайримусулмон бўлсин - исломий тобеиятга эга барча инсонларга Ислом шариатини қўйидаги тарзда жорий этади:
- а) Мусулмонларга барча Ислом аҳкомларини ҳеч бир истисносиз ижро қилади.
 - б) Ғайримусулмонларга ўз эътиқод ва ибодатларида умумий низомга мувофиқ амал қилишга рухсат беради.
 - в) Исломдан қайтган муртадларга - ўзлари муртад бўлсалар - муртад ҳукми татбиқ қилинади. Агар муртадларнинг фарзандлари бўлиб, ғайримусулмон ҳолда туғилган бўлсалар -

мушрик ёки аҳли китоб эканликларига қараб -
гайримусулмонлардек муомала қилинадилар.

- г) Гайримусулмонларга озиқ-овқат ва либосларга тааллуқли бўлган ишларда - шариат аҳкомлари ижозат берган доирада - ўз динларига мувофиқ муомала қилинади.
- д) Турмуш қуриш ва ажралиш муносабатлари гайримусулмонлар ўртасида уларнинг ўз динлари бўйича ажрим қилинади. Улар билан мусулмонлар ўртасидаги муносабатлар эса Ислом аҳкомлари бўйича ҳукм этилади.
- е) Давлат булардан бошқа шаръий ҳукмларни ва муомалот, уқубот (жазо чоралари), байъинот (жиноятни исбот қилиш ҳужжатлари), бошқарув ва иқтисод низомлари ва бошқаларга оид бўлган Ислом шариатининг ҳамма ишларини барчага - мусулмон ва гайримусулмонларга - бирдек ижро қилади. Шунингдек, юқоридаги ҳукмларни раийятнинг ҳар бир шахсига ижро қилганидек, муоҳидлар, мустаъминлар ва Ислом ҳокимиятига бўйсунувчиларнинг ҳар бирига ҳам қўллайди. Фақат дипломатик дахлсизликка эга бўлган ваколатхона ходимлари, консуллар, элчилар ва шу кабилар бундан мустасно.

8-модда - Араб тили Ислом тилидир. Давлатда фақат мана шу тил татбиқ этилади.

9-модда - Ижтиҳод фарзи кифоядир. Ижтиҳоднинг барча шартларини бажара олган ҳар бир мусулмон ижтиҳод қилиш ҳуқуқига эгадир.

10-модда - Барча мусулмонлар Ислом масъулиятини ўз зиммаларига оладилар. Исломда алоҳида «дин кишилари» йўқ. Давлатнинг вазифаси эса мусулмонлар орасида алоҳида «дин кишилари» мавжудлигини ифодалайдиган ҳар қандай ҳолатларни ман қилишдир.

11-модда - Ислом даъватини ёйиш Давлатнинг асосий вазифаси.

12-модда - Китоб, Суннат, саҳобалар ижмоси ва қиёс - фақат шуларгина шаръий аҳкомлар учун эътиборли далилдир.

13-модда - Аслида ҳар бир шахс бегуноҳдир. Ҳеч ким маҳкаманинг ҳукмисиз жазоланмайди. Бирор шахсни қийноққа солиш мутлақо жоиз эмас. Бу ишни қилган ҳар қандай инсон жазоланади.

14-модда - Амаллардаги асос шаръий ҳукмга чекланишдир. Бинобарин, ҳукми билмай туриб бирор иш амалга оширилмайди. Нарсалардаги асос эса, агар ҳаром қилинганлигига далил келмаган бўлса, мубоҳликдир.

15-модда - Ҳаромга олиб борувчи восита - агар ҳаромга олиб бориши эҳтимоли аниқ бўлса - ҳаром бўлади. Агар ҳаромга олиб боради деб гумонсиралса - ҳаром эмас.

Бошқарув низоми

16-модда - Бошқарув низоми яхлит бирлик низомидир. Бирлашган (иттифоқ) низоми эмас.

17-модда - Бошқарув марказийдир, идорий (административ) ишлар эса марказий эмас.

18-модда - Ҳокимлар (ҳукм юритувчилар) тўрттадир: халифа, тафвиз муовини, волий ва омил. Булардан бошқалар ҳоким эмас, балки масъул шахслар деб эътибор қилинади.

19-модда - Ҳокимиятга ёки ҳукмга тааллуқли ҳар қандай амалга фақат ҳур (қул эмас), болиғ, оқил, одил (адолатли), қодир эркак кишигина мутасаддий бўлади. Бундан ташқари унинг мусулмон бўлиши ҳам шартдир.

20-модда - Ҳокимларни муҳосаба қилиш мусулмонларнинг ҳуқуқи ва улар учун фарзи кифоядир. Фуқаролар орасидаги ғайримусулмонлар эса ҳокимларнинг зулмидан ва уларга Ислом аҳкомларини ёмон татбиқ қилинаётганидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

21-модда - Мусулмонлар ҳокимларни муҳосаба қилиш ёки уммат орқали ҳокимиятни қўлга олиш учун сиёсий ҳизблар ташкил қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу шарт биланки, ушбу ҳизбларнинг асоси Ислом ақидаси, табанний қилган аҳкомлари эса, шаръий аҳкомлардан иборат бўлмоғи лозим. Ҳизб ташкил этишга ҳеч қандай рухсатнинг ҳожати йўқ. Исломдан бошқа асосга қурилган ҳар қандай гуруҳ тақиқланади.

22-модда - Бошқарув низоми тўрт қоида асосига қурилади:

- 1) Ҳўжайинлик шариатнинг ҳуқуқи, халқники эмас.
- 2) Ҳукм юритиш умматнинг ҳуқуқи.
- 3) Битта халифа сайлаш мусулмонлар устидаги фарз.
- 4) Шариат аҳкомларини табанний қилиш фақат халифанинг ҳуқуқидир. Фақат угина дустур ва бошқа қонунларни йўлга қўяди.

23-модда - Давлат жиҳози ўн учта асос устига қурилади:

- 1) Халифа.
- 2) Муовинлар (тафвиз вазирлари).
- 3) Танфиз вазирлари.
- 4) Волийлар.

- 5) Жиҳод амири.
- 6) Ички хавфсизлик.
- 7) Ташқи ишлар.
- 8) Саноат.
- 9) Қазо (қозилик).
- 10) Одамлар манфаатлари.
- 11) Байтулмол.
- 12) Ахборот.
- 13) Уммат мажлиси. (Маслаҳат ва муҳосаба).

Халифа

- 24-модда** - Халифа ҳокимиятда ва шариатни ижро қилишда умматдан вакил бўлади.
- 25-модда** - Халифалик ўзаро розилик ва ихтиёр битимидир. Ҳеч ким уни қабул қилишга ва халифаликка сайланадиган шахсга рози бўлишга мажбур этилмайди.
- 26-модда** - Эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, балоғат ёшига етган, ақлан соғлом ҳар бир мусулмон халифани сайлаш ва унга байъат бериш ҳуқуқига эга. Гайримусулмонлар бундай ҳуқуқдан маҳрум.
- 27-модда** - Инъиқод байъатини амалга оширувчи шахсларнинг байъати орқали бирор шахс учун халифалик аҳди (битими) берилса, у ҳолда қолганларнинг байъати инъиқод байъати эмас, балки итоат байъати бўлади. Шунга кўра итоатсизлик аломатлари кўрилган шахсларнинг барчаси байъат беришга мажбур қилинади.
- 28-модда** - Мусулмонлар томонидан сайланган кишигина халифа бўлади. Ислондаги ҳар қандай аҳд каби халифалик аҳди ҳам шаръий йўл билан амалга ошмаса, ҳеч ким халифалик ҳуқуқларига эга бўлмайди.
- 29-модда** - Халифага инъиқод байъати бериладиган минтақа ёки давлатдаги ҳокимият фақат мусулмонларнинг ўзига таянадиган, кофир давлатга суйанмайдиган мустақил ҳокимият бўлмоғи шарт. Шунингдек, бу давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлиги кофирлар қўлида эмас, балки мусулмонлар қўлида бўлиши лозим. Бошқа ўлкалардан талаб қилинадиган итоат байъатида бу нарса шарт эмас.
- 30-модда** - Халифалик байъати берилаётган шахс, гарчи афзаллик шартларига эга бўлмаса-да, бироқ ўзида инъиқод шартларини тўлиқ мужассам этмоғи лозим. Чунки байъатда инъиқод шартлари эътиборга олинади.

31-модда - Халифага давлат раиси аҳди берилиши учун унда олти сифат бўлиши лозим. Яъни, у эркак, муслмон, ҳур (қул эмас), балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли ва ҳукм юритишга қодир бўлмоғи шарт.

32-модда - Халифалик мансаби - халифанинг ўлими ёки мансабдан воз кечганлиги ёки мансабдан четлатилганлиги сабабли - бўшаб қолса, унинг ўрнига уч кун ичида халифа сайлаш вожибдир.

33-модда - Халифалик ўрни бўшаб қолгандан кейин муслмонларнинг ишини бошқариш ва янги халифани сайлаш ишларини олиб бориш учун муваққат (вақтинчалик) амир тайинланади. Уни тайинлаш қўйидаги тартибда бўлади.

а) Аввалги халифа ўзининг вафоти яқинлашаётганини ҳис қилиб қолса ёки ўз ихтиёри билан халифаликдан кетишга қарор қилган пайтда, бу халифага вақтинчалик амирни тайинлаш салоҳияти берилади.

б) Агар халифа вафот этса ёки муваққат амир тайинлашдан аввал бўшатиб юборилса ёки халифалик ўрни бўшаб қолиши вафот қилиш ё бўшатишдан бошқа сабабли бўлса муовинларнинг энг ёши каттаси муваққат амир бўлади, лекин бу муовин халифаликка ўз номзодини қўймоқчи бўлса, ёши унга яқин бўлган муовин муваққат амир қилиб тайинланади ва ҳоказо.

в) Агар барча муовинлар ўз номзодларини қўйишмоқчи бўлишса танфиз муовинлари ичидан энг ёши каттаси, агар у ҳам номзодини қўймоқчи бўлса унга ёши яқин бўлгани тайинланади ва ҳоказо.

г) Агар барча танфиз муовинлари халифаликка ўз номзодларини қўймоқчи бўлишса танфиз муовинларининг энг ёши муваққат амир қилиб тайинланади.

д) Муваққат амир ҳукмларни табанний қилиш салоҳиятига эга эмас.

е) Муваққат амир янги халифа сайлаш ишларини уч кун ичида тамомига етказиш учун бор кучини сарфлайди. Янги халифа сайлаш ишларини уч кундан ортиқ чўзиб юбориш мумкин эмас. Магар мазолим маҳкамаси ҳам маъқулладиган кучли бир сабаб бўлсагина чўзилиши мумкин.

34-модда - Халифа сайлашнинг йўли байъатдир. Аммо халифани сайлаш ва унга байъат бериш ишлари қўйидагича бўлади. Улар:

а) Мазолим маҳкамаси халифадик ўрни бўшаб қолганини эълон қилади.

б) Муваққат амир сайловнинг муҳим ишларини бошқаради ва дарҳол номзод қўйиш эшиги очиқлигини эълон қилади.

- в) Мазолим маҳкамаси қарори билан инъиқод шартлари тўла топилган номзодларнинг талаблари қабул қилиниб, бошқалари қайтарилинади.
- г) Уммат мажлисининг мусулмон аъзолари мазолим маҳкамаси талабларини қабул қилган номзодлар сонини икки марта чеклашади. Биринчисида кўпчилик овоз билан уларнинг ичидан олти кишини танлашади, иккинчисида кўпчилик овоз билан олти кишидан икки кишини танлашади.
- ж) Икки кишини исмлари эълон қилиниб, улардан бирини сайлаш тадаб қилинади.
- е) Сайлов натижаси эълон қилинади ва мусулмонлар сайловчиларнинг кўпроқ овозини олган одамни билишади.
- з) Мусулмонларни энг кўп овоз олган одамга халифа сифатида Аллоҳнинг Китоби ва Расулulloҳ ﷺнинг Суннатларига амал қилиш шарти билан байъат беришга шошилтирилади.
- и) Байъат тамомига етгач, халққа ким халифа бўлганлиги эълон қилинади, токи унинг сайланганлиги ҳақидаги хабар бутун умматга етиб борсин. Эълон қилинаётганда унинг исми ва уни халифаликка лойиқ сифатларга эгаллиги ҳам зикр этилади.
- к) Янги халифани сайлаш ишлари тамомига етгач муваққат амирнинг бошқаруви тугайди.

35-модда - Халифани уммат сайлайди. Лекин уммат шаръий йўл билан инъиқод байъати берилган халифани мансабдан четлатолмайди.

36-модда - Халифа қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Халифа уммат ишларини бошқариш учун лозим бўлган шаръий ҳукмларни табанний қилади. У Аллоҳнинг Китоби ва Росули суннатидан саҳиҳ ижтиҳод билан истинбот қилинган шаръий ҳукмларни қонуний кучга киритиш учун табанний қилиши билан ушбу шаръий ҳукмлар итоат қилиш вожиб ва қарши чиқиш жоиз бўлмаган қонунларга айланади.
- б) У Давлатнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатига масъулдир. У қўшин қўмондонлигини ўз қўлига олади. Уруш эълон қилиш, сулҳ, муваққат сулҳ ва бошқа битимларни тузиш ҳам унинг ихтиёридадир.
- в) У ажнабий элчиларни қабул қилиш ва қабул қилмаслик ҳамда мусулмон элчиларни тайинлаш ва ишдан четлатиш ҳуқуқига эгадир.

- г) У муовин ва волийларни тайин қилади ва ишдан четлатади. Уларнинг барчаси халифа олдида масъул бўлганлари каби уммат мажлиси олдида ҳам масъулдирлар.
- д) У бош қози, қозиларни тайин қилади ва ишдан четлатади. Халифа, унинг муовинлари ва бош қозига қарши бирор масалани кўраётган мазолим қозиси бундан мустасно, чунки бу пайтда халифа мазолим қозисини бўшата олмайди. Шунингдек халифа идоралар мудирларини, қўшин қўмондонларини ва байроқдор амирларни тайин қилади ва ишдан четлатади. Уларнинг барчаси халифа олдида масъулдирлар. Лекин уммат мажлиси олдида масъул эмаслар.
- е) У давлат бюджетини белгилайдиган шаръий ҳукмларни табанний қилади. У бюджет бўлимларини ҳамда кирим ва чиқимга алоқадор бўлишидан қатъий назар, ҳар бир жиҳат учун лозим бўлган маблағларни белгилайди.

37-модда - Халифа табанний қилиш ҳуқуқида шаръий аҳкомлар доирасига боғлиқдир. Тўғри истинбот йўли билан шаръий далиллардан ишлаб чиқилмаган ҳукмларни табанний қилиш халифага ҳаромдир. У ўзи табанний қилган ҳукмлар ва ўзи учун белгилаб олган истинбот йўли билан чеклангандир. У тутган йўлига зид равишда берилган ҳукмни табанний қилиши ҳамда ўзи жорий этган ҳукмларга зид бўлган буйруқни бериши жоиз эмас.

38-модда - Халифа ўз ижтиҳоди ва раъйига мувофиқ райият ишларини бошқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. У давлат ишларини юритиш ва райият ишларини бошқариш учун лозим бўлган барча мубоҳ ишларни табанний қилиш ҳуқуқига эга. У манфаат ҳужжати билан бирор шаръий ҳукмга зид иш тутиши жоиз эмас. Бинобарин, у озиқ-овқат маҳсулотларининг озлиги ҳужжати билан биттадан ортиқ фарзанд кўришни ман қилмайди, эксплуатациянинг олдини олиш деган ҳужжат билан одамларга нарх-навони белгилаб бермайди, ишларни бошқариш ёки манфаат ҳужжати билан кофирни ёки аёл кишини волийликка тайинламайди ва шу каби шариат аҳкомларига зид ишларни қилиши мумкин эмас. У ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол дейиши жоиз эмас.

39-модда - Халифа учун чекланган муддат йўқдир. Модомики, у шариатни муҳофаза қилиб унинг ҳукмларини ижро қилар экан, давлат ишларини бажаришга қодир экан - унинг ҳолати халифаликдан четлатадиган даражада ўзгармаса, ўз лавозимида қолаверади. Агар унинг ҳолати ана шу даражада ўзгарса, уни дарҳол ишдан четлатиш вожиб бўлади.

40-модда - Халифанинг ҳолати ўзгаришига сабаб бўладиган ва бу билан у халифаликдан чиқадиган ишлар учта:

- а) Халифаликнинг инъиқод шартларидан бири бузилса, яъни у муртад бўлса, ёки очиқдан-очиқ фосиқлик қилса, ёки ақлдан озса ёки шу кабилар содир бўлса. Чунки бу шартлар халифаликнинг инъиқод ва доимийлик шартларидир.
- б) Қайсидир сабабга кўра халифалик вазифасини бажаришдан ожиз бўлиб қолса.
- в) Ўз раъйи билан шариат асосида мусулмонлар манфаатлари йўлида иш юритишдан ожиз қилиб қўядиган зўрлик вужудга келса. Агар бирор кимса уни ўз раъйи билан шариат аҳкомларига мувофиқ раийятнинг манфаатларини бошқаришдан ожиз қилиб қўядиган даражада унга босим ишлатса, у ҳукман Давлат ишларини бажаришдан ожиз деб эътибор қилинади ва шу сабабга кўра халифаликдан четлатилади. Бу иш икки ҳолатда рўй бериши мумкин:

Биринчи ҳолат: Унинг атрофидаги одамлардан бири ёки бир нечтаси унинг устидан ҳукмрон бўлиб, ишларни ижро қилишни ўз қўлларига олишади. Агар уларнинг ҳукмронлигидан халос бўлиши умид қилинса, муайян муддатга муҳлат берилади, шундан кейин ҳам уларнинг ҳукмронлигидан қутила олмаса халифаликдан четлатилади. Агар халос бўлишига умид бўлмаса, дарҳол четлатилади.

Иккинчи ҳолат: Кучли душман қўлига ҳақиқатан асирга тушиши билан ёки душманнинг ҳукмронлиги остида қолса, қаралади: а) Агар халифанинг халос бўлиши умид қилинса, то умид узулгунга қадар муҳлат берилади, агар халос бўлишига умид қолмаса, мансабидан четлатилади. б) Агар халос бўлишига умид бўлмаса, дарҳол четлатилади.

41-модда - Халифанинг ҳолати уни халифаликдан четлатадиган даражада ўзгарган ёки ўзгармаганини фақат Маҳкаматул-мазолим белгилайди. Фақат Маҳкаматул-мазолим халифани четлатиш ёки муҳлат бериш ҳуқуқига эга.

Тафвиз муовини

42-модда - Халифа ўзига учун ҳукм юритиш масъулиятини зиммасига оладиган бир ёки кўпроқ тафвиз муовинларини тайин қилади. Ва унга ишларни ўз раъйи билан тадбир қилиш ва ўз ижтиҳодига биноан юргизишни топширади.

Халифа вафот этганда уларнинг бошқаруви ҳам тугайди, ўз ишларида давом этишмайди. Магар муваққат амирнинг амирлик муддатида ўз ишларида давом этишади.

43-модда - Халифага қўйилган шартлар тафвиз муовинига ҳам қўйилади, яъни у эркак, мусулмон, ҳур (қул эмас), балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли бўлиб, ўзига топширилган ишларда лаёқатли бўлиши шарт.

44-модда - Тафвиз муовинини тайин қилиш икки шартни ўз ичига олади:

1) Умумий назорат (ҳар қандай ишни кўриб чиқиш).

2) Ноиблик.

Шунинг учун халифа тафвиз муовинига: «Менга топширилган ишларга сени ўз тарафимдан ноиб сифатида тайин қилдим», дейиши ёки умумий назорат ва ноиблик маъносини ўз ичига оладиган сўзларни айтиши лозим. Бу тайинлаш халифага муовинларни муайян жойларга жўнатиш ёки бошқа жойларга ва бошқа ишларга янгитдан тайин қилмасдан, халифага ёрдам беришни тақозо қиладиган услубда жўнатишига имкон беради. Чунки бу ишларнинг барчаси аввалги аслий тайинлаш остига киради.

45-модда - Тафвиз муовинининг вазифаси ўзи бажарган тадбирлар ҳамда ижро этган бошқарув ва тайинлаш ишларидан халифани хабардор қилиш, токи у ўз ҳуқуқларида халифага тенглашиб қолмасин, яъни унинг иши халифани хабардор қилиш ва буюрилган ишни бажаришдир.

46-модда - Халифа тафвиз муовинининг иш ва тадбирларини - уларнинг тўғриларига рухсат бериб, хатоларининг олдини олиш мақсадида - текшириб туриши вожиб. Чунки уммат ишларини тадбир қилиш халифага топширилган ва айнан унинг ижтиҳодига юкланган.

47-модда - Агар тафвиз муовини бирор ишни тадбир қилса ва уни халифа тасдиқласа, муовин у ишни халифа тасдиқлаганидек - орттирмай ёки камайтирмай - бажариши керак. Агар халифа тасдиқлашдан бош тортса ва муовин қилган ишни рад этиб, норозилик билдирса, қаралади, агар муовин ҳукми тўғри ижро этган ва молни ўз ўрнига сарфлаган бўлса, муовиннинг раъйи нуфузlidir. Чунки бу аслида халифанинг раъйи бўлиб, халифа ижро этилган бу ҳукми ва инфоқ қилинган бу молни рад қилолмайди. Агар муовин ижро этган иш бошқача бўлса, масалан, волийни тайинлаш ёки қўшинни жангга тайёрлаш каби ишлар

бўлса, халифа муовинга қаршилик билдириши жоиз. Бу ҳолатда халифанинг раъйи ижро қилиниб, муовиннинг иши бекор қилинади. Чунки халифа бундай ишларни - ўзи қилса ҳам, муовин қилса ҳам - тўғирлаш ҳуқуқига эгадир.

48-модда - Тафвиз муовини идора аппарати идораларидан бирор идорага хос қилиб қўйилмайди, чунки унинг назорат қилиши умумийдир. Чунки, идора ишлари ижроси билан шуғулланаётганлар ҳоким эмаслар, тафвиз муовини эса ҳокимдир. Ва уни ишлардан қайсидир бирига хос қилиб тайинланмайди. Чунки унинг бошқаруви умумийдир.

Танфиз муовини

49-модда - Халифа ўзи учун ижрочи муовинни тайинлайди. Унинг вазифаси идорий ишлардан бўлиб, ҳукм юритишга алоқаси йўқ. Унинг идораси халифанинг ички ва ташқи жиҳатларга тааллуқли қарорларини ижро қилувчи ҳамда шу жиҳатлардан келган маълумотларни унга етказишдан иборат. Бу идора халифа билан ўзгалар ўртасида воситачи бўлиб қўйидаги ишларни халифага ва ундан бошқаларга етказиб туради.

- а) Халқ билан бўлган алоқалар.
- б) Давлатлараро алоқалар.
- в) Қўшин ёки армия.
- г) Қўшиндан бошқа давлат аппаратлар.

50-модда - Танфиз муовинининг мусулмон бўлиши шарт. Чунки у халифанинг аъёнларидандир.

51-модда - Танфиз муовини тафвиз муовини каби халифага бевосита боғланган бўлади ва ҳукм юритиш ишларида эмас, балки ижро қилишда муовин ҳисобланади.

Волийлар

52-модда - Ислом давлати ҳукм юритаётган ўлка ваҳдат (бирлик)ларга бўлинади ва ҳар бир ваҳдат вилоят деб номланади. Ўз навбатида ҳар бир вилоят ҳам ваҳдатларга бўлинади ва улар амола деб номланади. Вилоятни бошқарган шахс волий ёки амир, амолани бошқарган шахс омил ёки ҳоким деб номланади.

53-модда - Волийлар халифа томонидан тайинланади. Омиллар халифа томонидан ва халифа тайин этиш ҳуқуқини берган волий тарафидан тайинланади. Муовинларга қўйилган шартлар волий ва омилларга ҳам қўйилади, яъни улар эркак киши, ҳур, мусулмон, балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли ва топширилган

ишларга лаёқатли бўлишлари шарт. Улар тақволи ва кучли кишилардан танлаб олинади.

54-модда - Волий ўз вилоятида халифанинг ноиб сифатида ҳукм юритиш ва идораларнинг ишларини назорат қилиш ҳуқуқига эга. У ўз вилоятидаги аҳоли устидан ҳукм юритади ҳамда молия, қазо ва қўшиндан ташқари вилоятга алоқали барча ишларни кўриб чиқади. Бироқ, шурта идорий жиҳатдан эмас, балки фақат ижро этиш жиҳатидан унинг қўл остида бўлади.

55-модда - Волий амирлиги тақозо этган ҳуқуқларга асосланиб қилган ишларидан халифани хабардор этиши вожиб эмас, лекин ихтиёрий равишда хабар бериб туриши мумкин. Агар аввал учратилмаган бир ҳодиса рўй берса, уни халифани хабардор қилгунга қадар кечиктириб туради, сўнг унинг буйруғи билан иш кўради. Агар кутиш сабабли бузилишидан қўрқса, у ишни амалга оширади. Сўнг халифага бу ишни амалга оширгани ва уни хабардор қилмаганининг сабабини билдириши вожиб.

56-модда - Ҳар бир вилоятда ўз аҳолиси орасидан сайланган мажлис бўлиб, унга волий раислик қилади. Бу мажлис ҳукм юритиш ишларида эмас, балки идорий ишларда раъй билдириш ҳуқуқига эга. Бу икки мақсад учун бўлади.

Биринчиси: Вилоятнинг воқеси ва унинг эҳтиёжлари ҳақида керакли маълумотларни волийга етказиши ва бу ҳақида ўз фикрини айтади.

Иккинчиси: Волий юргизаётган ҳукмдан халқнинг розилиги ёки шикоятини кўрсатиши.

57-модда - Вилоятга бир шахснинг волийлик қилиш муддати чўзилиб кетмаслиги керак. Волийнинг вилоятда мустаҳкам ўрнашиб олаётгани ёки одамлар унга меҳр қўяётгани сезилса, бу ҳолда у волийликдан озод қилинади.

58-модда - Волий бир вилоятдан бошқа вилоятга кўчирилмайди, чунки унинг волийлиги умумий назар ва муайян макондадир. Балки волий ишдан бўшатилиб, (бошқа вилоятга) қайтадан тайинланади.

59-модда - Агар халифа волийни ишдан четлатишни лозим топса ёки Уммат мажлиси ундан норози эканлигини билдирса, ёки вилоят мажлиси ундан норозилигини изҳор қилса, волий ишдан четлатилади. Уни ишдан четлатиш фақат халифа томонидан амалга оширилади.

60-модда - Волийларнинг ишларини текшириб туриш, уларни қаттиқ назорат қилиш, уларнинг аҳволини аниқлагани ва фаолиятини текширгани ўз тарафидан ноиблар тайин қилиш, уларнинг

ҳаммасини ёки бир қисмини вақти-вақти билан жамлаб туриш, райиятнинг улар устидан қилаётган шикоятларига қулоқ солиш - халифанинг вазифасидир.

Жиҳод амири: Ҳарбий идора - қўшин

- 61-модда** - Ҳарбий идора қўшин, шурта, қурол-аслаҳа, зарур воситалар, техника ва бошқалардан иборат қуролли кучларга тааллуқли ишларни бошқаради. Шунингдек, ҳарбий таълим, ҳарбий сафарлар ва қўшинга лозим бўлган исломий ва умумий сақофатларга тааллуқли ҳамда уруш ва урушга тайёрланишга дахлдор ишларни бошқаради.. Бу идора бошлиғи жиҳод амири, деб аталади.
- 62-модда** - Жиҳод мусулмонларга фарздир. Ҳарбий таълим мажбурий бўлиб, 15 ёшга етган ҳар бир мусулмон эркак жиҳодга тайёрланиши учун ҳарбий таълим олиши фарздир. Аммо ҳарбий хизмат фарзи кифоядир.
- 63-модда** - Қўшин икки қисмдан иборат: 1) Эҳтиётӣ (захира) қисм. Бу қисм қурол кўтаришга қодир бўлган барча мусулмонлардан иборат. 2) Ҳарбий хизматдаги доимӣ қисм. Улар учун хизматчилар каби давлат бюджетидан маош тайинланади.
- 64-модда** - Қўшин учун амирлар байроғи (ливо) ва қўшин байроқлари (роя) тайинланади. Халифа қўшин қўмондони этиб тайинлаган шахсга шахсан ўзи амир байроғини топширади. Қўшин байроқларини эса байроқдор амирлар тақдим этадилар.
- 65-модда** - Халифа қўшиннинг бош қўмондонидир. У штаб бошлиғини, ҳар бир байроқ (ливо) учун амирни ва ҳар бир бўлинма учун бошлиқни тайинлайди. Аммо қўшиндаги бошқа мартабаларни қўшин бошлиқлари ва байроқдор амирлар тайинлайдилар. Штабларга бирор шахсни тайинлаш унинг ҳарбий билими даражасига қараб бўлади ва уни штаб бошлиғи тайинлайди.
- 66-модда** - Қўшиннинг ҳаммаси яхлит бўлиб, махсус қароргоҳларга жойлаштирилади. Бу қароргоҳларнинг баъзилари турли вилоятларга ва баъзилари стратегик нуқталарга жойлаштирилади. Баъзи қароргоҳлар эса доимӣ кўчиб юрадиган тезкор гуруҳлардан иборат бўлиб, зарба берувчи кучлар ҳисобланади. Бу қароргоҳлар бир неча мажмуалар таркибида тартиблаштирилади. Ҳар бир мажмуа қўшин номи билан аталиб, рақамланади, масалан, биринчи қўшин, учинчи қўшин ёки вилоят ё амола номи билан аталади.

67-модда - Қўшинда олий ҳарбий таълим тўлиқ берилиши, қўшиннинг фикрий савияси имкони борича юксалтирилиши ҳамда қўшиндаги ҳар бир шахс - умумий шаклда бўлса ҳам - унда Исломий онг пайдо бўлиши имконини берадиган Ислом сақофати билан бойитиб борилиши шарт.

68-модда - Ҳар бир қароргоҳда етарли миқдорда олий ҳарбий билимга, ҳарбий тактика ва уруш олиб боришда тажрибага эга штабларнинг мавжуд бўлиши ва бу штаблар қўшинда умумий тарзда имкон қадар тўлиқ шакллантирилиши вожиб.

69-модда - Қўшин Исломий қўшин сифатида ўз вазифасини бажаришга имконият берадиган даражада қурол-яроқ, ўқ-дори, техника, зарур воситаларга эга бўлиши шарт.

Ички хавфсизлик

70-модда - Ички хавфсизлик идораси хавфсизликка тааллуқли барча ишларни бошқаради. Ва ички хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай нарсани ман қилади. Шунингдек, шурта ёрдамида давлат хавфсизлигини таъминлайди. Халифанинг буйруғи билангина қўшиндан ёрдам сўрайди. Бу идоранинг бошлиғи ички хавфсизлик мудир, деб аталади. Вилоятларда бу идоранинг бўлимлари бўлиб, ички хавфсизлик идоралари, деб, вилоятдаги идоранинг бошлиғи эса соҳиби шурта, деб аталади.

71-модда - Шурта икки қисм бўлади: қўшин шуртаси, у жиҳод амирига, яъни ҳарбий идорага бўйсунди. Маҳкамалар олдидаги шурта, у хавфсизликни сақлаш учун бўлиб, ички хавфсизлик идорасига бўйсунди. Иккала қисм ҳам ўз вазифаларини чиройли адо қилишга имкон берадиган махсус машқлар билан чиниққан бўлишади.

72-модда - Ички хавфсизлик идораси қарши курашиши керак бўлган ички хавфсизликка таҳдид солаётган нарсаларнинг энг кўзга кўринганлари бор. Улар муртадлик, боғийлик, талон-тарож, одамларнинг молига ва одамларнинг жонию обрўларига тажовуз қилиш, мусулмонлар билан уруш ҳолатида бўлган кофирлар фойдасига жосуслик қилишида гумон қилинган кимсалар билан муомала қилиш кабилардир.

Ташқи ишлар

73-модда - Ташқи ишлар идораси халифалик давлатининг ажнабий давлатлар билан алоқаларига тааллуқли ҳар қандай ташқи ишларни бошқаради. Улар сиёсий тарафларга оид бўладими ёки

иқтисодий, саноат, қишлоқ хўжалик, тижорий тарафларга ёки почта алоқалари ва симли-симсиз алоқалар ва шунга ўхшаш тарафларга оид бўладими фарқи йўқ.

Саноат идораси

74-модда - Саноат бошқармаси саноатга тааллуқли барча ишларни бошқаради. Бунда мотор ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, машинасозлик, хомашё ва электроника саноати каби оғир саноат ёки енгил саноат бўладими, бунинг фарқи йўқ. Шунингдек, ҳарбий саноатга алоқадор корхоналарнинг барчаси, шахсий мулк ёки умумий мулк бўлишидан қатъий назар, барчаси ҳарбий сиёсат асосига қурилиши вожиб бўлади.

Қозилик

75-модда - Қазо мажбурий тарзда шаръий ҳукми билдиришдир. Қозилик одамлар ўртасидаги хусуматларни ажрим қилади, жамоат ҳаққига зарар келтирадиган нарсаларни тақиқлайди ва одамлар билан ҳукумат аппаратидаги ҳар қандай шахс - ҳоким ёки хизматчи, халифа ёки бошқаларми - ўртасидаги низоларни бартараф қилади.

76-модда - Халифа балоғат ёшига етган ҳур, мусулмон, ақлан соғлом, адолатли, фиқҳ аҳлидан бўлган эркак кишилардан бош қозини тайинлайди. Агар Халифа унга мазолим қозисини тайин қилиш ва четлатиш салоҳиятини берган бўлса, уни мужтаҳид бўлиши шарт. Унга идорий низомлар доирасида қозиларни тайинлаш, жазолаш ва ишдан четлатиш салоҳиятлари берилади. Маҳкаманинг бошқа хизматчилари эса маҳкама ишларини бошқарадиган идора мудирларига боғлиқдирлар.

77-модда - Қозилар уч турлидир:

1. Қози - у муомала ва уқубот (жазо чоралари) хусусида одамлар ўртасида рўй берадиган хусуматларни ажрим қилади.
2. Муҳтасиб - у жамоатнинг ҳаққига зарар келтирадиган қонунбузарликларни ажрим қилади.
3. Мазолим қозиси - у одамлар билан Давлат ўртасида рўй берадиган низоларни бартараф этади.

78-модда - Қозиликка тайинланаётган шахс мусулмон, ҳур, балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли, фақиҳ, ҳукмларни воқеликка боғлай оладиган бўлиши шарт. Мазолим қозилигига тайин қилинаётган шахс бу шартларга қўшимча равишда эркак киши ва мужтаҳид бўлиши ҳам шарт.

- 79-модда** - Қози, мухтасиб ва мазолим қозиси мамлакатнинг барча жойларига ва даъвонинг барча турларига умумий тайинланиши мумкин. Шунингдек маълум жойга ва қазонинг ҳар хил турларига хос қилиб тайинланиши ҳам мумкин.
- 80-модда** - Маҳкама даъво ишларида ажрим қилиш салоҳиятига эга бўлган фақат биргина қозидан ташкил топиши керак. У билан бирга бошқа битта ёки бир неча қозилар бўлиши ҳам мумкин. Лекин уларда ҳукм чиқариш ҳуқуқи бўлмайди, балки улар маслаҳат бериш ва фикр билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг раъйи қози учун мажбурий эмас.
- 81-модда** - Қози фақат суд мажлисида ҳукм чиқариши мумкин. Хужжат ва қасам фақат суд мажлисидагина эътиборга олинади.
- 82-модда** - Кўриладиган ишларнинг турига қараб маҳкамаларнинг даражалари ҳар хил бўлиши жоиз. Баъзи қозилар маълум чегарада муайян ишларни кўришга хос қилиб тайинланиши ва бундан бошқа ишлар бошқа маҳкамаларга топширилиши мумкин.
- 83-модда** - Апелляция ва кассация маҳкамалари бўлмайди. Бирор иш устидан чиқарилган ҳукм қатъийлик жиҳатидан бир хил даражададир. Агар қози ҳукмни айтса, унинг бу ҳукми нуфузlidir. Унинг бу ҳукми амалга оширилади. Бу ҳукмни бошқа қозининг ҳукми мутлақо бекор қила олмайди. Фақат Исломдан ўзга нарса билан ҳукм қилган ёки Китоб, суннат ёки саҳобалар ижмосига зид бўлса ёхуд ҳақиқатга зид ҳукм чиқаргани аниқ бўлса, бекор қилади.
- 84-модда** - Мухтасиб омманинг ҳуқуқларидан бўлиб, даъвогари бўлмайдиган, жазо чоралари ва жиноятларга кирмайдиган барча ишларни кўриб чиқадиган қозидир.
- 85-модда** - Мухтасиб қонунбузарликларни билган заҳоти қайси жойда бўлса ҳам, улар устидан қазо мажлисисиз ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга. Унинг буйруқларини ижро қилиш учун унинг қўл остида бир нечта шурта ходимлари бўлади. У чиқарган ҳукм дарҳол ижро этилади.
- 86-модда** - Мухтасиб мухтасиблик шартлари тўла мавжуд бўлган шахслардан ўзига ноиблар танлаб олиш ҳуқуқига эга ва уларни турли жойларга тарқатади. Бу ноибларга улар тайин қилинган минтақа ёки маҳаллаларда уларга топширилган ишлар бўйича мухтасиблик вазифасини бажариш ҳуқуқи берилади.
- 87-модда** - Мазолим қозиси - Ислом Давлати фуқороси бўладими, ёки бошқа давлат фуқароси бўлишидан қатъий назар - давлат салтанати остида яшайдиган бирор бир шахсга нисбатан давлат

томонидан содир этилган ҳар қандай зулмни бартараф қилиш учун тайинланадиган қозидир. Зулм халифа томонидан ёки ундан бошқа ҳоким ва хизматчилар томонидан содир бўлганининг фарқи йўқ.

88-модда - Мазолим қозиси халифа ёки бош қози тарафидан тайинланади. Аммо уни муҳосаба қилиш, жазолаш ва ишдан четлатиш халифа томонидан ёки халифа ҳуқуқ берган бўлса, бош қози томонидан амалга оширилади. Бироқ мазолим қозиси халифа, тафвиз муовини ёки халифа салоҳият бериб қўйган ҳалиги бош қози устидан бирор шикоятни кўриб чиқаётган пайтда уни ишдан четлатиш дуруст эмас. Бу ҳолатларда четлатиш салоҳияти маҳкаматул мазолимга берилади.

89-модда - Мазолим қозиси бир ёки бир неча шахслар билан чегараланмайди, балки давлат раиси зулмларни бартараф этиш учун керак бўлган миқдорда мазолим қозиларни - уларнинг сони қанча бўлишидан қатъий назар - тайинлаш ҳуқуқига эга. Лекин бевосита ҳукм чиқарилаётган вақтда ҳукм чиқариш ҳуқуқи фақат битта қозидан бўлади. Қазо мажлисида у билан бирга бир неча мазолим қозилари иштирок этишлари мумкин. Улар фақат маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг раъйи мазолим қозиси учун мажбурий эмас.

90-модда - Мазолим маҳкамаси халифани вазифасидан четлатиш ҳуқуқига эга бўлганидек, давлатдаги ҳар қандай ҳоким ёки хизматчини ишдан олиш ҳуқуқига ҳам эга. Ушбу четлатиш зулмни йўқотишни тақозо қилсагина шундай қилинади.

91-модда - Мазолим маҳкамаси ҳар қандай зулмни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Бу ўринда зулмлар давлат жиҳозидagi шахсларга тааллуқли бўлишининг ёки халифанинг шариат аҳкомларига зид ишларига ёки давлат раиси табанний қилган дустур, қонун ва бошқа шаръий ҳукмлардаги қонуншунослик ҳужжатларидан бирортасининг маъносига ёки бирор солиқ солишга, ёки бошқа ишларга тааллуқли бўлишининг фарқи йўқ.

92-модда - Мазолим қозилигида қазо мажлиси, жавобгарни чақириш ва даъвогарнинг бўлиши шарт қилинмайди. Балки маҳкама, ҳеч ким даъво қилмаса ҳам, зулмни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

93-модда - Ҳар бир инсон хусуматда ҳам, ҳимояда ҳам хоҳлаган одамани - мусулмон ёки ғайримусулмон, эркак ёки аёлни - ўздан вакил қилиш ҳуқуқига эга. Бунда вакил қилувчи билан вакил қилинувчининг ўртасида фарқ йўқ. Вакил вакиллигига ҳақ олиши жоиз. Ҳақ икки томоннинг розилигига қараб белгиланади.

94-модда - Васий ва валий каби хос амалларда ёки халифа, ҳоким, хизматчи, мазолим қозиси ва муҳтасиб каби умумий амалларда ҳуқуққа эга бўлган ҳар қандай шахс хусумат ёки ҳимоя борасидагина - васий ёки валий, халифа, ҳоким, хизматчи, мазолим қозиси ёки муҳтасиб сифатида - ўз ўрнига ўзининг барча ҳуқуқида вакил тайин қилиш имкониятига эга. Бу ҳолатда унинг даъвогар ёки жавобгар бўлишининг фарқи йўқ.

95-модда - Халифалик барпо бўлишидан аввал тузилиб, ҳаётга татбиқ қилинган аҳдлар, муомалалар, муносабатларни халифалик суди бекор қилмайди ва янгитдан қўзғамайди. Магар масала:

- а) Бу масалани Исломга зид бўлган доимий таъсири бўлса, уни янгитдан қўзғаш вожиб бўлади.
- б) Агар бу масала собиқ ҳокимлар ва уларнинг тобелари Ислом ва мусулмонларнинг устига олиб келган озорга алоқадор бўлса. Хаоифа бу масалаларни янгитдан қўзғашни жоиз.

Идорий жиҳоз

96-модда - Давлат ишларини бажариш ва одамларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш асосига қурилган идора, муассаса ва бошқармалар давлат ишларини ва одамларнинг манфаатларини идора қилиш билан шуғулланади.

97-модда - Идора, муассаса ва бошқармаларни идора қилиш сиёсати низомда оддийлик, ишларни амалга оширишда тезкорлик ва мутасаддийларнинг лаёқатли бўлишига асосланади.

98-модда - Ислом давлатининг фуқароси бўлган лаёқатли ҳар бир шахс - эркак ёки аёл, мусулмон ёки гайримусулмон бўлишидан қатъий назар - ҳар қандай бошқармага ёки идорага мудир қилиб тайинланиши ва унда хизматчи бўлиб ишлаши мумкин.

99-модда - Ҳар бир бошқарма учун умумий мудир, ҳар бир идора ва муассаса учун уни бошқарадиган мудир тайин қилиниб, у ўша бошқарма, идора ёки муассасаларга бевосита масъул бўлади. Ўз навбатида, бу мудирлар ўша бошқарма, идора ёки муассасаларнинг бош мудирлари олдида бажарган ишлари юзасидан масъул бўладилар. Шунингдек, волий ёки омил олдида умумий ҳукм ва низомларга қатъий амал қилиш жиҳатидан масъулдирлар.

100-модда - Барча бошқарма, идора ва муассасаларнинг мудирлари фақат идорий низомда қабул қилинган сабабларга кўра ишдан четлатиладилар. Лекин улар бир ишдан бошқа ишга ўтказилиши ва ишдан вақтинчалик четлатилиши мумкин. Уларни тайинлаш, бир ишдан бошқа ишга ўтказиш, вақтинчалик ишдан четлатиш,

жазолаш ва ишдан бўшатиш фақат ўша бошқарма, идора ёки муассасаларнинг бош мудир томонидан амалга оширилади.

101-модда - Хизматчилар мудир деб ҳисобланмайдилар. Уларни тайинлаш, бир ишдан бошқа ишга ўтказиш, вақтинчалик ишдан четлатиш, жазолаш ва ишдан бўшатиш ҳам бошқарма, идора ёки муассасаларнинг бош мудир томонидан амалга оширилади.

Байтулмол

102-модда - Байтулмол кирим ва нафақаларни шаръий ҳукмларга мувофиқ жамлаш, сақлаш ва инфоқ қилишни бошқарадиган идорадир. Байтулмол идорасининг бошлиғи «байтулмол хазиначиси», деб аталади. Бу идора вилоятлардаги идоралар бошқарувига бўйсунди. Ҳар бир идора бошлиғи «байтулмол соҳиби» деб аталади.

Ахборот

103-модда - Ахборот аппарати Ислом ва мусулмонларнинг манфаатига хизмат қилиш учун давлатнинг ахборотга оид сийсатини ижро этиш ва тарқатишни бошқарадиган идорадир. У ичкарида: кучли, бақувват Исломиё жамиятни бино қилиш учун бадбўйликни рад этиб, хушбўйликни таратади, ташқарида эса: тинчликда ҳам, урушда ҳам Исломни шундай олиб чиқадики Исломнинг улуғлиги, адолати ва аскарининг кучлилигини баён қилиб беради. Шунингдек инсон томонидан тузилган тузумнинг фасодлиги, зулмини ва аскарининг заифлигини баён қилади.

104-модда - Эгалари давлатга тобе бўлган ахборот воситалари арзон нарсага муҳтож бўлмайди, балки фақат илму тажрибага муҳтож бўлади. Ахборот идорасига ахборот воситаси очилганлигини билдиради. Ахборот воситасининг эгаси ва муҳаррирлари ўзлари тарқатаётган ҳар бир нарсдан масъулдирлар ва шариятга хилоф бўлган нарса ҳақида улар ҳам раийятнинг ҳар бир одами каби муҳосаба қилинадилар

Уммат мажлиси

105-модда - Мусулмонларнинг раъйини ифодалайдиган ва халифа мурожаат қиладиган шахслар Уммат мажлисини ташкил этади. Вилоятлар аҳлларини ифодалайдиган шахслар вилоятлар мажлисларини ташкил этади. Ғайримусулмонлар ҳам ҳокимларнинг зулми ёки Ислом аҳкомларининг нотўғри татбиқ этилаётганидан шикоят қилиш учун Уммат мажлиси таркибида бўлишлари мумкин.

106-модда - Вилоят мажлиси аъзолари муайян вилоят аҳллари тарафидан бевосита сайланадилар. Вилоятлар мажлислари аъзолари сони давлатдаги ҳар бир вилоятнинг аҳолиси сонига қараб белгиланади. Умнат мажлиси аъзолари бевосита вилоятлар мажлислари томонидан сайланади. Умнат мажлисининг бошланиш ва тугаш муддати вилоятлар мажлислари бошланиш ва тугаш муддати билан бир хил бўлади.

107-модда - Ислом Давлатининг фуқароси бўлган ҳар бир шахс - эркак ёки аёл, мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишидан қатъий назар - балоғат ёшига етган ва ақлан соғлом бўлса Умнат мажлиси ва вилоят мажлисига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга. Лекин ғайримусулмоннинг аъзолик ҳуқуқи ҳокимлар зулмидан ёки Ислом аҳкомларининг нотўғри татбиқ этилаётганидан шикоят қилиш билан чекланади.

108-модда - Шўро (кенгаш) ва машварат умуман раъй олишни англатади. У қонунчилик, таърифлар, турли кашфиётлар каби фикрий ишлар ва илм-фан ишларида мажбурий эмас. Амалий ишларда ва машваратга алоқадор бўлмаган ишларда халифа машварат сўраганда унинг татбиқи мажбурий бўлиб қолади.

109-модда - Шўро фақат мусулмонларнинг ҳуқуқи бўлиб, ғайримусулмонлар бундан маҳрум. Аммо ўз раъйини билдириш раийятнинг мусулмон ёки ғайримусулмон бўлган барча шахслар учун жоиздир.

110-модда - Шўро тарафидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган масалалар хусусида халифа машварат сўраганда - тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар - кўпчиликнинг раъйи олинади. Шўро мавзуйга кирадиган ўзга масалаларда - кўпчилик ёки озчиликдан қатъий назар - тўғри раъй қасд қилинади.

111-модда - Умнат мажлиси қуйидаги беш ҳуқуққа эга:

Биринчиси:

а) Фикрий баҳс ва чуқур назарга муҳтож бўлинмайдиган ишларда, масалан, ҳокимият, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисод, тижорат, саноат, зироат ва бошқа соҳалар каби ички сиёсатдаги ишларни риюя қилишга алоқадор бўлган амалий ишларда Халифа Умнат мажлисидан машварат сўраган пайтда у раъйини айтса, Халифа унинг раъйини олиши мажбурийдир.

б) Аммо фикрий баҳс ва чуқур назарга ва тажриба ва билимга муҳтож бўлинадиган ва фанний, илмий ишларда, шунингдек, ташқи сиёсат, молия, ҳарбий соҳаларда Халифа мажлисдан

машварат сўраб, унинг раъйини билиш учун мурожаат қилиши мумкин, аммо мажлисининг раъйини олиши мажбурий эмас.

Иккинчиси:

Халифа табанний қилмоқчи бўлган аҳком ва қонунларни Уммат мажлисига ҳавола қилади. Мажлисининг мусулмон аъзолари бу аҳкомларни муҳокама қилиб, бу ҳукмлардаги тўғри ва хато ҳақида ўз фикрларини билдиришга ҳақлидирлар. Агар улар халифа билан давлатда табанний қилинган усуллардан табанний қилиш тариқатида ихтилоф қилиб қолишса, бунда маҳкаматул мазолимга мурожаат қилинади. Унинг раъйини олиш мажбурийдир.

Учинчиси:

Уммат мажлиси давлатда содир бўлаётган - ички ёки ташқи ишлар, молия, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги - барча ишларда халифани муҳосаба қилиш ҳуқуқига эга. Унинг раъйи кўпчиликнинг раъйи олиниши лозим бўлган ишларда мажбурийдир, кўпчиликнинг раъйи олиниши лозим бўлмаган ишларда эса мажбурий эмас.

Агар Уммат мажлиси халифа билан шаръий жиҳатдан амалга ошган бирор ишнинг шаръий ёки шаръий эмаслиги хусусида ихтилоф қилиб қолса, мазолим маҳкамасига мурожаат қилинади ва ушбу маҳкаманинг раъйи мажбурий бўлади.

Тўртинчиси:

Уммат мажлиси муовинлар, волийлар ва омиллардан норозилик изҳор қилишга ҳақлидир. Бу ишда унинг раъйини олиш мажбурийдир. Халифа устидан норозилик билдирилганларни дарҳол четлатиши вожибдир. Агар Уммат мажлисининг раъйи ўша муайян вилоят мажлиси раъйи билан волий ва омиллардан розилик ва шикоят борасида бир-бирига зид келиб қолса, вилоят мажлиси раъйи олинади.

Бешинчиси:

Уммат мажлисининг мусулмон аъзолари халифалик учун маҳкаматул мазолим инъиқод шартлари топилди, деб қарор қилган номзодларни чеклаш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ишда уларнинг кўпроғининг раъйини олиш мажбурийдир. Мажлис тавсия этган номзодларгина сайланиши мумкин.

Ижтимоий низом

112-модда - Аёл - она ва уй бекасидир. Аёл ҳимоя қилиниши вожиб бўлган номусдир.

- 113-модда** - Эркаклар ва аёллар (жамиятда) бир-бирларидан ажралган ҳолда яшамоқлари лозим. Улар фақат шариат рухсат берган ҳаж ва савдо каби бир жойга йиғилишга сабаб бўладиган эҳтиёжлар юзасидан жамланишлари мумкин.
- 114-модда** - Эркакка берилган ҳуқуқлар аёлга ҳам берилади, эркакка фарз қилинган бурчлар аёлга ҳам фарздир. Бироқ, Ислом шаръий далиллар орқали баъзи ҳукмларни эркакка ва баъзи ҳукмларни аёлга хослаб қўйган. Аёл ҳам тижорат, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишга, битим ва муомалаларни тузишга, мулкчиликнинг барча турларига эга бўлишга; мулкни шахсан ўзи ёки бошқа одам орқали ўстиришга ва ҳаётдаги барча ишларни бевосита ўзи бажаришга ҳақлидир.
- 115-модда** - Аёл киши давлат вазифаларига тайинланиши, Уммат мажлиси аъзоларини сайлаши ва унда аъзо бўлиши ҳамда халифани сайлаш ва унга байъат беришда иштирок этиши жоиздир.
- 116-модда** - Аёл ҳукм юритиш ишларига мутасаддийлик қилиши мумкин эмас. Бинобарин, у халифа, муовин, волий ва омил бўла олмайди ҳамда ҳукм юритиш ишларидан деб эътибор қилинадиган бирор ишни бажариши ҳам мумкин эмас. Шунингдек, у бош қози, мазолим маҳкамаси қозиси ва жиҳод амири бўлиши мумкин эмас.
- 117-модда** - Аёл умумий ва хусусий ҳаётда яшайди. Умумий ҳаётда унинг юзи ва кафтларидан бошқа аъзолари кўринмаган, ясан-тусан қилмаган, очиқ-сочиқ бўлмаган ҳолда аёллар, маҳрам эркаклар ва бегона эркаклар билан бирга яшаши мумкин. Хусусий ҳаётда эса, фақат аёллар ёки маҳрамлари билан яшаши мумкин, бегона эркаклар билан яшаши мумкин эмас. Бу икки ҳаётда шариатнинг барча аҳкомларига қатъий амал қилади.
- 118-модда** - Аёлнинг номаҳрам эркак билан ёлғиз қолиши, бегона эркаклар олдида ўзига оро бериши, авратларини очиб юриши ман этилади.
- 119-модда** - Эркак ҳам, аёл ҳам ахлоқ учун хатарли бўлган ёки жамиятда бузуқликни тарқатадиган ҳар қандай амалга қўл уриши тақиқланади
- 120-модда** - Эр-хотинлик ҳаёти хотиржамлик ҳаётидир. Эр-хотиннинг турмуши дўстона турмушдир. Эр хотин устидан ҳукмрон бўлиб эмас, ғамхўр бўлиб бошчилик қилади. Хотин эрига итоатли бўлиши, эр эса хотинга - одатда шундай аёлга қандай нафақа қилиш лозим бўлса, шундай - нафақа бериши фарздир.

121-модда - Эр ва аёл уй ишларини бажаришда бир-бирларига тўлиқ ёрдам берадилар. Уйдан ташқарида бўладиган барча ишларни бажариш эрнинг зиммасидадир. Уй ичидаги барча ишларни кучи етганича бажариш хотиннинг зиммасидадир. Аёлнинг кучи етмаётган ишларни бажариш учун ёрдамчи хизматкорлар ҳозирлаб бериш эрнинг вазифасидир.

122-модда - Аёл муслима ёки ғайримуслима бўлишидан қатъий назар бола унинг қафолатига муҳтож бўлса, уни ўз қафолатига олиш аёлнинг бурчи ва ҳаққидир. Бола қафолатга муҳтож бўлса, қаралади. Агар энага ҳам, валий ҳам мусулмон бўлсалар, болага хоҳлаган кишиси билан яшаш ихтиёри берилади. Бола кимни танласа - танланган киши эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар - ўшанга топширилади. Бу ўринда боланинг қиз ёки ўғил бўлиши аҳамиятсиздир. Агар улардан бири ғайримусулмон бўлса, болага танлаш ихтиёри берилмайди, балки улардан мусулмон бўлганига топширилади.

Иқтисодий низом

123-модда - Иқтисод сиёсати эҳтиёжларни қондиришга эътибор берилган вақтда жамият қандай бўлиши лозимлигига эътиборни қаратишдан иборат. Жамиятнинг қандай бўлиши лозимлиги эҳтиёжларни қондириш учун асос қилиб олинади.

124-модда - Иқтисодий муаммо раийятнинг ҳар бир шахсига бойлик ва манфаатларни тақсимлаб беришдан ҳамда бойлик ва манфаатларни қўлга киритиш ва улар учун ҳаракат қилишга имконият яратиб бериш орқали шахсларга бойлик ва манфаатлардан фойдаланиш имконини яратиб беришдан иборат.

125-модда - Шахсларнинг ҳар бири учун асосий эҳтиёжларни тўла қондириш қафолатланиши ҳамда камолий эҳтиёжларни иложи борича энг юқори даражада қондириш имконияти таъминланиши вожибдир.

126-модда - Мулк ёлғиз Аллоҳникидир. Аллоҳ инсонни мулкни тасарруф этишда Ўзининг халифаси деб эълон қилди. Мана шу умумий ваколат билан инсон мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Аллоҳ инсонга мулкни қўлга киритишга изн берди. Мана шу махсус изн билан инсон амалда мулкнинг эгасига айланди.

127-модда - Мулк уч турли бўлади: Хусусий мулк, умумий мулк ва давлат мулки.

128-модда - Хусусий мулк айн (мавжуд нарса) ёки манфаат билан белгиланган шаръий ҳукм бўлиб, бу ҳукм хусусий мулк эгасига

ўша нарсадан фойдаланиш ва унинг ўрнига эваз олиш имконияти яратилишини тақозо этади.

129-модда - Умумий мулк жамоатга айдан муштарак фойдаланишга Шореъ томонидан берилган изндир.

130-модда - Сарф қилиниши халифанинг раъйи ва ижтиҳодига боғлиқ бўлган ҳар қандай мол - солиқ, жизя, хирож каби - давлат мулки деб ҳисобланади.

131-модда - Кўчма ва кўчмас мулкдаги хусусий мулкчилик қўйидаги беш шаръий сабаб билан чекланган:

а) Меҳнат.

б) Мерос.

в) Яшаш учун молга бўлган эҳтиёж.

г) Давлат ўз молидан райиятга бериши.

д) Шахслар мол ёки куч сарфламай оладиган моллар.

132-модда - Мулкни тасарруф қилиш - хоҳ уни сарф қилиш билан, хоҳ кўпайтириш билан бўлсин - Шореънинг изни билан чеклангандир. Исрофгарчилик, маишатпарастлик ва зиқналик ман қилинади. Капиталистик ширкатлар, кооператив жамиятлар ва бошқа шариятга зид бўлган муомалалар ман этилади. Судхўрлик, ҳаддан ташқари баланд нарх қўйиш, ихтикор (монополия), қимор ва шунга ўхшаш ишлар тақиқланади.

133-модда - Аҳолиси ўз ихтиёри билан Исломга кирган ерлар ва Арабистон ярим оролининг ерлари ушрий ерлар ҳисобланади. Арабистон ярим оролидан ташқари уруш ёки сулҳ билан фатҳ қилинган ерлар хирожий ерлардир. Ушрий ерларнинг ўзига ҳам, манфаатига ҳам шахслар эгалик қиладилар. Аммо хирожий ерлар давлат мулки ҳисобланиб, шахслар фақат уларнинг манфаатига эгалик қиладилар. Ҳар бир шахс ушрий ерларнинг ўзини ва хирожий ерларнинг манфаатини шаръий битимлар билан алмаштириш ҳуқуқига эга. Ерлар ҳам бошқа мол-мулклар каби мерос қилиб олинади.

134-модда - Қўриқ ерлар ишлов бериш ва атрофини ўраб олиш билан мулк қилиб олинади. Бошқа ерлар эса фақат шаръий сабаблар - мерос, сотиб олиш, давлат ажратиб бериши билан мулкка айланади.

135-модда - Ерни - хирожий ёки ушрий бўлса ҳам - деҳқончилик учун ижарага бериш, шунингдек музораа (экинга шерик бўлиб, ерини бошқага бериш) ҳам ман қилинади. Аммо мусоқот жоиздир.

136-модда - Ерга эга бўлган ҳар бир одам ундан фойдаланиши керак. Муҳтож одамга ердан фойдаланиш имконини берадиган воситалар

Байтулмолдан берилади. Уч йилгача ерини ишлатмасдан ташлаб қўйган ҳар қандай одамдан ер тортиб олинади ва бошқага берилади.

137-модда - Умумий мулк уч нарсада намоён бўлади:

а) Жамоанинг заруратлари деб ҳисобланадиган барча нарсалар: шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари каби.

б) Битмас-туганмас конлар: нефт конлари каби.

в) Табиати шахсни унга эгалик қилишдан ман қиладиган нарсалар: дарёлар кабилар.

138-модда - Корхона - моҳиятига кўра - хусусий мулк ҳисобланади. Лекин у ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг ҳукмини олади. Агар маҳсулот хусусий мулк ҳисобланса, корхона ҳам хусусий мулк бўлади: тўқимачилик корхоналари каби. Агар маҳсулот умумий мулкдан бўлса, корхона ҳам умумий мулк ҳисобланади: темир ишлаб чиқариш корхоналари каби.

139-модда - Давлат хусусий мулкни умумий мулкка айлантириши мумкин эмас. Чунки умумий мулк - давлатнинг раъйига қараб эмас, балки мулкнинг моҳияти ва сифатида ўз ифодасини топади.

140-модда - Умматнинг ҳар бир вакили умумий мулкчилик доирасига кирадиган барча бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Давлат бирор шахсга умумий мулкка эгалик қилишга ёки уни ўз фойдасига бўйсундириш (эксплуатация)га рухсат бериб, раийятни ундан маҳрум қилиши мутлақо мумкин эмас.

141-модда - Давлат раийятнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда, қўриқ ерлардан ёки умумий мулк ҳисобланган нарсалардан ўз ҳимоясига олиб қўйиши жоиз.

142-модда - Бойлик жамғариш - гарчи закоти берилса ҳам - ман қилинади.

143-модда - Закот мусулмонлардан йиғиб олинади. Закот шарият белгилаб берган мулклардан - пул, тижорат воситалари, чорва ва донлардан - олинади. Шариятда кўрсатилмаганларидан олинмайди. Закот - балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, мукаллаф ёки гўдак ва мажнун бўлган ғайримукаллаф бўлишидан қатъий назар - ҳар бир мулк эгасидан олинади. Олинган моллар Байтулмолнинг алоҳида бўлимига қўйилади ва Қуръони Каримда зикр қилинган саккиз тоифанинг бир ёки бир нечасига сарфланади.

144-модда - Жизя зиммийлардан йиғиб олинади. Агар тўлашга қодир бўлсалар, балоғатга етган эркаклардан олинади. Аёллар ва болалардан олинмайди.

145-модда - Хирож хирожий ерлардан имкониятига қараб йиғиб олинади. Ушрий ерлардан эса амалда битган ҳосилдан закот (ушр) олинади.

146-модда - Мусулмонлардан Байтулмолнинг харажатларини қоплаш учун шариат ижозат берган солиқлар йиғиб олинади. Шу шарт биланки, солиқлар мулк эгасининг одатий эҳтиёжларидан ортган мол-мулк ҳисобидан олинади ҳамда давлат эҳтиёжларини қоплашга етарли бўлиши риоя қилинади (ғайри мусулмонлардан солиқ мутлақо олинмайди. Улардан фақат жизя олинади).

147-модда - Шариат умматга вожиб қилган ҳар қандай амални бажариш учун Байтулмолда маблағ мавжуд бўлмаса, масъулият уммат зиммасига ўтади. Бундай ҳолда давлат солиқ солиш орқали бу маблағни умматдан йиғиб олиш ҳуқуқига эга. Шариат умматга вожиб қилмаган амаллар учун эса давлат ҳеч қандай солиқ солиши жоиз эмас. Давлат маҳкама ва идораларнинг таъминоти учун ёки бирор манфаатни адо қилиш учун тўлов солиқлари олиши жоиз эмас.

148-модда - Давлат бюджетининг шаръий ҳукмлар тасдиқлаган доимий қисмлари мавжуд. Лекин бюджетнинг муайян бўлимлари, ҳар бир бўлимга ажратиладиган маблағлар ва бу маблағларни ҳар бир бўлимда қайси ишларга ихтисослаштириш халифанинг раъйи ва ижтиҳодига ҳавола қилинади.

149-модда - Байтулмолнинг доимий киримлари: фай (душмандан жангсиз олинган ўлжалар)нинг ҳаммаси, жизя, хирож, рикоз (фатҳ қилингунга қадар яшириб қўйилган топилма бойликлар)нинг бешдан бири ва закот. Бу маблағлар уларга эҳтиёж бўлмаса ҳам ҳамиша олинади.

150-модда - Байтулмолнинг доимий киримлари давлат харажатларини қоплашга кифоя қилмаса, давлат мусулмонлардан солиқ олишга ҳақлидир. Солиқлар фақат қўйидаги ишлар учун олиниши шарт:

- а) Фақирлар, мискинлар, мусофирларга ҳамда жиҳод фарзини бажаришга байтулмолдан сарф қилиш вожиб бўлган харажатларни қоплаш учун.
- б) Байтулмолдан тўлов тариқасида берилиши вожиб бўлган харажатларни қоплаш учун: хизматчиларнинг маошлари, қўшин таъминоти, ҳокимларга ажратиладиган нафақалар.
- в) Умумий манфаат ва қулайликлар яратиш тариқасида Байтулмолдан бадалсиз берилиши вожиб бўлган харажатларни қоплаш

учун: йўллар қуриш, сув билан таъминлаш, масжид, мадраса ва шифохоналар қуриш каби.

- г) Раййят очарчилик, сув тошқинлари ва зилзилалар каби офатларга дучор бўлган вақтда Байтулмолдан зарурат юзасидан берилиши вожиб бўлган харажатларни қоплаш учун.

151-модда - Мамлакат чегараларидаги божхоналардан олинадиган, умумий мулк ёки давлат мулкидан ҳосил бўладиган ва меросхўрсиз мерос қоладиган маблағлар ва муртадларнинг мол-мулки Байтулмолнинг киримларидан ҳисобланади.

152-модда - Байтулмолнинг харажатлари қуйидаги олти ўринга тақсимланади:

- а) Закот молларини олишга ҳақдор бўлган саккиз тоифага закот қисмидан сарф қилинади (агар закот қисмида маблағ бўлмаса, уларга ҳеч нарса сарф қилинмайди).
- б) Фақирлар, мискинлар, мусофирлар, жиҳод ва қарздорларга - агар закот қисмида маблағ бўлмаса - Байтулмолнинг доимий киримларидан сарф қилинади. Агар Байтулмолнинг доимий киримларида ҳам маблағ бўлмаса, бу ҳолда фақирлар, мискинлар, мусофирлар ва жиҳод харажатларини қоплаш учун солиқлар йиғиб олинади, аммо қарздорларга улардан сарф қилинмайди. Агар фасод хавфи юзага келса, бу харажатларни қоплаш учун қарз олинади.
- в) Хизматчилар, ҳокимлар ва аскарлар каби давлат учун хизмат қилаётган шахсларга ҳам Байтулмолдан сарф қилинади. Агар Байтулмолдаги маблағ кифоя қилмаса, бу харажатларни қоплаш учун дарҳол солиқлар солинади. Агар фасод хавфи юзага келса, бу харажатларни қоплаш учун қарз олинади.
- г) Йўллар, масжидлар, мадрасалар ва шифохоналар қуриш каби асосий умумманфаатлар ва қулайликлар учун ҳам Байтулмолдан сарф қилинади. Агар Байтулмолдаги маблағ етмаса, бу харажатларни қоплаш учун дарҳол солиқлар солинади.
- д) Камолий умумманфаатлар ва қулайликлар учун Байтулмолдан сарф қилинади. Агар Байтулмолда маблағ етмаса, уларга ҳеч нарса сарфланмайди, кейинга қолдирилади.
- е) Зилзила ва сув тошқинлари каби офатларга ҳам Байтулмолдан сарф қилинади. Агар маблағ бўлмаса, бу харажатларни қоплаш учун дарҳол қарз олинади. Сўнг бу қарз йиғиладиган солиқлар ҳисобидан тўланади.

153-модда - Давлат ҳар бир фуқарони иш билан таъминлаш кафолатини олади.

154-модда - Ширкатлар ва шахсларнинг қўл остидаги хизматчилари ҳам давлат хизматчилари эга бўлган барча ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар. Ҳақ эвазига меҳнат қилувчи ҳар бир шахс - ишнинг ёки ишчининг туридан қатъий назар хизматчидир. Агар ишчи ва ёлловчи шахс иш ҳақи устида келиша олмай қолсалар, ажрул-мисл (айни шу амалга ўхшаш иш учун тўланадиган иш ҳақи)га қараб ҳукм қилинади, бошқа ишларда келиша олмасалар, шариат аҳкомларига мувофиқ ижара битимига қараб ҳукм чиқарилади.

155-модда - Иш ҳақи ишдан ёки ишчининг ўзидан келадиган фойдага қараб белгиланиши мумкин. Ишчининг маълумоти ёки илмий даражасига қараб белгиланмайди. Хизматчилар учун қўшимча мукофотлар бўлмайди, балки улар - иш ёки ишчининг ўзига қараб белгиланишидан қатъий назар - ўзларининг иш ҳақларини тўлиқ оладилар.

156-модда - Ҳеч қандай маблағга эга бўлмаган, ишсиз ва қарайдиган яқинлари бўлмаган шахсларни давлат таъминлайди. Ожиз ва ногиронларни ўз қарамоғига олади.

157-модда - Давлат бойликларнинг райият ўртасида баробар айланиб туришига жиддий эътибор беради, фақат бир гуруҳ қўлига ўтиб қолишига йўл қўймайди.

158-модда - Давлат райиятдаги ҳар бир шахсга камолий эҳтиёжларини қондириш имкониятларини яратиб бериш ҳамда жамиятдаги мувозанатни сақлаш муаммосини қўйидагича ҳал қилади:

- а) Давлат Байтулмолдаги кўчма ва кўчмас мулклар, ўлжалар ва шу кабилардан беради.
- б) Етарли ерга эга бўлмаган шахсларга обод қилинган ва қилинмаган ерлардан ажратиб беради. Аммо ери бўла туриб, ундан фойдаланмаётган шахсларга бермайди. Деҳқончилик қилишдан ожиз бўлган шахсларга бу имкониятга эга бўлиши учун маблағ ажратади.
- в) Қарз тўлашдан ожиз бўлган шахсларнинг қарзларини закот, ўлжа ва шу кабилар ҳисобидан тўлайди.

159-модда - Давлат ҳосилдорликнинг энг юқори даражасида ердан фойдаланишни амалга оширадиган деҳқончилик сиёсати талабларига мувофиқ деҳқончилик ишлари ва маҳсулотларини назорат қилиб туради.

- 160-модда** - Давлат барча саноат соҳаларини назоратига олади, умумий мулк таркибига кирадиган саноат соҳаларига бевосита мутасаддийлик қилади.
- 161-модда** - Ташқи савдо алоқаларида товар ишлаб чиқарилган жойга қараб эмас, балки савдогарнинг фуқаролигига қараб муомала қилинади. Бинобарин, биз билан уруш ҳолатида бўлган давлат савдогарларига бизнинг юртимизда фаолият олиб боришга рухсат берилмайди, фақат савдогар ёки мол учун махсус изн билан рухсат берилади. Биз билан битим тузган давлатларнинг савдогарларига ўртадаги битим шартларига қараб муомала қилинади. Ислом Давлатининг фуқароси бўлган савдогарларга мамлакат муҳтож бўлган нарсалар ва душманни ҳарбий, санойи ва иқтисодий жиҳатдан кучайтирадиган нарсаларни ташқарига олиб чиқишга рухсат берилмайди, аммо бу савдогарлар ўзлари эга бўлган ҳар қандай молни олиб кириши тақиқланмайди. (Исроил) каби биз билан амалда уруш ҳолатида турган давлат бундан мустаснодир. Бундай давлатлар тижорий ёки ҳар қандай бошқа алоқаларда амалда дорул-ҳарб (уруш диёри) ҳукмида бўлади.
- 162-модда** - Райийатнинг барча шахслари ҳаётнинг ҳамма соҳаларига тааллуқли бўлган илмий лабораториялар очиш ҳуқуқига эгадирлар. Аслида бундай лабораторияларни очиш давлатнинг вазифасидир.
- 163-модда** - Уммат ёки давлатга зарар келтирадиган моддалар ишлаб чиқарувчи лабораторияларга шахсларнинг эгалик қилиши ман қилинади.
- 164-модда** - Давлат барча учун бепул тиббий хизматни таъминлайди, лекин шифокорларни ёллаш ва дори-дармон савдосини ман қилмайди.
- 165-модда** - Мамлакатга ажнабий маблағларини олиб кириш ва уларни инвестиция қилиш, шунингдек ҳар қандай ажнабийга имтиёз бериш ман этилади.
- 166-модда** - Давлат ўзига хос, ҳар қандай ташқи таъсирдан мустақил бўлган пул чиқаради. Бу пул ҳеч қандай ажнабий пулларга боғлиқ бўлмаслиги лозим.
- 167-модда** - Давлатнинг пуллари зарб қилинган ёки зарб қилинмаган ҳолдаги олтин ва кумушдан иборатдир. Давлатнинг олтин ва кумушдан бошқа пули бўлиши мумкин эмас. Давлат олтин ва кумуш ўрнига бошқа моддадан пул чиқариши мумкин, шу шарт биланки, давлат хазинасида ўша пул баробарида олтин ва кумуш бўлиши керак. Яъни давлат мис, бронза, қоғоз ёки бошқа

моддалардан пул чиқариб, агар бу пулнинг олтин ва кумушдан тўлиқ муқобили бўлса, уни ўз номидан зарб қилиши мумкин.

168-модда - Давлатнинг ўз валютасини айирбошлаши мумкин бўлганидек, бу валюта билан бошқа давлатлар валюталарини ўзаро айирбошлаши ҳам жоиздир. Валюталар жинси турлича бўлса, айирбошлашда бирининг қиймати иккинчисиникидан ортиқча бўлиши мумкин, уларни айирбошлаш қўлдан-қўлга ўтиш шарти билан жоиздир. Насия бўлиши эса дуруст эмас. Валюта жинслари турлича бўлса, айирбошлаш нархини ҳеч бир қайдсиз ўзгартиришга рухсат этилади. Райийтдаги ҳар бир шахс ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам хоҳлаган валютани ва бу валюта эвазига, ҳеч қандай рухсатга муҳтож бўлмаган ҳолда, ҳар қандай валюта ва бошқа буюмларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Таълим сиёсати

169-модда - Таълим дастурининг асоси Ислом ақидаси бўлиши шарт. Ўқиш моддалари ва ўқитиш йўллари таълимнинг ушбу асосидан четлашишига йўл қўймайдиган тарзда ишлаб чиқилади.

170-модда - Таълим сиёсати исломий фикр ва исломий туйғуларни шакллантиришдан иборат бўлиб, ўқиш моддаларининг барчаси мана шу сиёсат асосида ишлаб чиқилади.

171-модда - Таълимдан кўзланган ғоя исломий шахсни шакллантириш ва одамларни ҳаётнинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган илм ва маорифлар билан бойитишдир. Таълим йўллари мана шу ғояни юзага чиқарадиган равишда белгиланади. Бу ғояга олиб бормайдиган ҳар қандай йўллар ман қилинади.

172-модда - Исломий билимлар ва араб тилига ажратилган ҳафталик дарслар миқдори сон жиҳатидан ҳам, вақт жиҳатидан ҳам бошқа билимларга ажратилган дарслар миқдорига тенг бўлиши шарт.

173-модда - Таълимда тажрибий билимлар ва шу туркумга кирувчи математика билан сақофий билимлар ўртасидаги фарқ ҳисобга олиниши керак. Тажрибий ва шу туркумга кирувчи билимлар эҳтиёжга қараб ўрганилади, таълим босқичларининг бирортасига чеклаб қўйилмайди. Сақофий билимлар эса олий босқичдан олдинги (биринчи) босқичларда Ислом фикрлари ва ҳукмларига зид бўлмаган муайян сиёсатга қараб олинади. Аммо олий босқичда таълим сиёсати ва ғоясидан четга чиқмаслик шарти билан илм сифатида олинади.

174-модда - Таълимнинг барча босқичларида Ислом сақофати ўргатилиши шарт. Олий босқичда эса тиббиёт, жугрофия, табиат

ва шу каби билимлар ихтисослаштирилгани каби исломий маорифнинг барча турлари учун ҳам куллийётлар ихтисослаштирилади.

175-модда - Фан ва саноатлар - савдо-тижорат, денгизчилик ва деҳқончилик каби, бир жиҳатдан билимлар туркумига қўшилиб, ҳеч қандай қайд ва шартларсиз олинаверади. Мусаввирлик ва ҳайкалтарошлик кабилари эса ўзига хос нуқтаи назар билан таъсирланган вақтда сақофат туркумига қўшилиб, агар Ислом нуқтаи назарига зид бўлса, олинмайди.

176-модда - Таълим дастури ягона бўлади. Давлат белгилаган дастурдан бошқа ҳеч қандай дастурга рухсат берилмайди. Давлат дастурига чекланган, таълим дастурига асосланган, таълим сиёсатини ва ғоясини юзага чиқарадиган маҳаллий мадрасаларга рухсат берилади. Шу шарт биланки, таълим ўқувчилар ўртасида ҳам, муаллимлар ўртасида ҳам эркак ва аёллар аралаш бўлмаслиги ҳамда бирор тоифа, дин, мазҳаб, ирқ ёки рангдагилар учун хос бўлмаслиги керак.

177-модда - Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин ҳар бир шахснинг ҳаёт майдонида зарур билимларга эга бўлиши фарзидир. Шунинг учун бошланғич ва ўрта босқичларда таълим олиш барчага мажбурийдир. Бу таълимни барчага бепул таъминлаш давлат зиммасидадир. Олий таълим ҳам имкони борича барчага бепул таъминланиши лозим.

178-модда - Давлат фикҳ, усули фикҳ, ҳадис, тафсир, фикр, тиббиёт, геометрия, кимё, ихтиро, кашфиётлар ва бошқа илм-маориф соҳаларида изланишни давом эттиришни хоҳловчиларга имконият яратиб бериш учун мадраса ва университетлардан ташқарида кутубхоналар, лабораториялар ва бошқа маърифат воситаларини муҳайё қилади. Токи уммат орасида кўп миқдорда мужтаҳидлар, ихтирочилар ва ижодкорлар етишиб чиқсин.

179-модда - Барча босқичларда таълим учун муаллифлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш ман этилади. Ҳеч ким - хоҳ муаллиф, хоҳ бошқа бўлсин - босиб нашр қилинган китобини босиш ва нашр қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, ўзида ҳали босилмаган ва нашр қилинмаган фикрлар бўлса, бу фикрларни бошқаларга бериб, эвазига ҳақ олиши - таълим учун ҳақ олиш жоиз бўлгани каби - жоиздир.

Ташқи сиёсат

- 180-модда** - Сиёсат - умматнинг ички ва ташқи ишларини бошқаришдан иборат бўлиб, давлат ва уммат тарафидан амалга оширилади. Давлат бу иш билан бевосита шугулланади, уммат эса бу иш юзасидан давлатни муҳосаба қилади.
- 181-модда** - Ҳеч бир шахс, ҳизб, гуруҳ ёки жамоанинг бирор ажнабий давлат билан алоқаси бўлиши мутлақо жоиз эмас. Бошқа давлатлар билан ўрнатиладиган ҳар қандай алоқалар давлатнинг ўзига тааллуқлидир. Чунки фақат давлатгина уммат ишларини амалий равишда бошқариш ҳуқуқига эга. Уммат ва сиёсий гуруҳларнинг вазифаси эса мана шу ташқи алоқалар хусусида давлатни муҳосаба қилишдан иборат.
- 182-модда** - Ғоя воситани оқламайди, чунки тариқат фикрат жинсидан бўлади. Вожибга ҳам, мубоҳга ҳам эришиш учун ҳаромни восита қилинмайди. Сиёсий восита сиёсат тариқатига зид бўлиши мумкин эмас.
- 183-модда** - Сиёсий манёврлар ташқи сиёсатда зарурийдир. Бундаги қувват амалларни ошқора қилиш ва мақсадларни пинҳон тутишдадир.
- 184-модда** - Журъат билан давлатларнинг жиноятларини очиб ташлаш, сохта сиёсатларнинг хатарини баён қилиш, жирканч тил бириктирувларни фош этиш, адаштирувчи гуруҳларни парчалаб ташлаш - булар энг муҳим сиёсий услублардандир.
- 185-модда** - Шахс, уммат ва давлат ишларини бошқаришда исломий фикрларнинг буюклигини кўрсатиш энг кучли сиёсий йўллардан ҳисобланади.
- 186-модда** - Умматнинг сиёсий масаласи - давлат шахсиятининг қувватида, Ислом аҳкомларининг гўзал татбиқида ва Исломий даъватни бутун оламга ёйиш учун тинимсиз ҳаракат қилишда намоён бўладиган Исломдир.
- 187-модда** - Исломий даъватни ёйиш ўзак бўлиб, ташқи сиёсат унинг атрофида айланади. Барча давлатлар билан бўладиган алоқалар шу асосга қурилади.
- 188-модда** - Исломий давлатнинг дунёнинг бошқа давлатлари билан ўрнатиладиган алоқаларида эътибор тўрт нарсага қаратилади:
1. Ислом оламидаги мавжуд давлатлар битта мамлакат деб эътибор қилинади. Улар ташқи алоқалар доирасига кирмайди ва улар билан бўладиган алоқалар ташқи сиёсат деб ҳисобланмайди. Уларнинг барчасини ягона давлат ҳудудида бирлаштириш учун иш олиб бориш вожибдир.

2. Биз билан ўзаро иқтисодий, тижорий, яхши қўшничилик ёки сақофий шартномалар тузган давлатлар билан шу шартномаларда кўрсатилганидек муомала қилинади. Уларнинг фуқаролари - агар шартномада кўрсатилган бўлса - Ислом Давлатига чет эл паспортсиз, шахсий гувоҳнома билан киришлари мумкин, шу шарт биланки, улар ҳам бизнинг фуқароларга амалда айнан шундай муомалада бўлишлари лозим. У давлатлар билан бўладиган иқтисодий ва тижорий алоқалар муайян зарурий нарсаларда ва муайян сифатларда чекланган бўлиб, уларнинг қудрати кучайишига олиб бормаслиги лозим.
 3. Биз билан ўзаро шартномаларга эга бўлмаган давлатлар, Англия, Америка, Франция каби амалдаги мустамлакачи давлатлар, ёки Россия каби мамлакатни мустамлака қилиш тамаъсидаги давлатлар ҳукман уруш ҳолатидаги (муҳориб) давлатлар деб эътибор қилинади ва уларга нисбатан барча эҳтиёт чоралари кўрилади. Улар билан ҳеч қандай дипломатик алоқаларни ўрнатиш мумкин эмас. Бу давлатларнинг фуқаролари мамлакатимизга фақат чет эл паспорти ёки ҳар бир шахс ва ҳар бир сафар учун махсус виза билангина киришлари мумкин.
 4. (Исроил) каби амалда уруш ҳолатидаги давлатлар билан барча тасарруфларда уруш ҳолати асос қилиб олинади. Биз билан улар ўртасида вақтинчалик сулҳ бўлса ҳам, бўлмаса ҳам амалда уруш ҳолатидагидек муомала қилинади. Уларнинг барча фуқароларининг мамлакатга кириши тақиқланади.
- 189-модда** - Ҳарбий шартномалар, шунингдек ҳарбий шартномалар жумласига кирадиган сиёсий шартномалар ҳамда ҳарбий база ва тайёрагоҳларни ижарага бериш битимлари қатъан ман қилинади. Яхши қўшничилик битимларини, иқтисодий, тижорий, молиявий, сақофий ва вақтинчалик сулҳ битимларини тузиш жоиздир.
- 190-модда** - Ислом Давлати Ислом асосига қурилмаган ёки Ислом аҳкомларини татбиқ қилмайдиган ташкилотларда иштирок этиши жоиз эмас. Бундай ташкилотлар жумласига БМТ, Халқаро суд, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки каби давлатлараро ташкилотлар ҳамда «Араб давлатлари бирлиги» каби иқлимий ташкилотлар киради.

Мундарижа

Умумий ҳукмлар.....	4
Бошқарув низоми.....	6
Халифа.....	7
Тафвиз муовини.....	11
Танфиз муовини.....	12
Волийлар	13
Жиҳод амири: Ҳарбий идора - қўшин	14
Ички хавфсизлик	15
Ташқи ишлар	16
Саноат идораси	16
Қозилик.....	16
Идорий жиҳоз	19
Байтулмол	20
Ахборот	20
Уммат мажлиси	21
Ижтимоий низом	23
Иқтисодий низом	24
Таълим сиёсати.....	31
Ташқи сиёсат	33

